



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ички валюта бозори шарҳи


2025 йил 9 ойлик якунлари бўйича

Ички валюта бозори шарҳи

I. 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида ички валюта бозорида хорижий валютага бўлган умумий талаб ва таклиф ҳажмларида ўсиш суръатлари кузатилди.

Хорижий валютага бўлган талаб **42,7 млрд** АҚШ долларни (*кейинги ўринларда - доллар*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23,5 фоизга** ошди.

Таклиф ҳажми 2025 йилнинг ўтган даврида **34,4 млрд** долларни (*Марказий банк операцияларини ҳисобга олмаган ҳолда*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ўсди.



Валюта бозоридаги таклифнинг яна бир манбаи Марказий банк томонидан сотиб олинган монетар олтин доирасидаги стерилизация операциялари (*халқаро захираларнинг нейтраллик тамойили асосида*) орқали валюта маблағларини сотилиши ҳисобига таъминланди. Бунда ушбу операциялар алмашув курси шаклланишининг фундаментал омилларига таъсир кўрсатмаган ҳолда бозор механизмлари асосида амалга оширилди.

II. Юридик шахслар валюта таклифнинг ўсиши суръати уларнинг валютага бўлган талаби ўсиши сураътидан юқори шаклланди.


Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2025 йилнинг дастлабки 9 ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** ўсган бўлса, улар томонидан валюта таклифи ҳажми **37 фоизга** ошди.

Хўжалик юритувчи субъектлар валюта таклифининг асосий манбаларидан бири экспорт тушумлар ҳажмининг ушбу даврда **18 фоизга** ошиб, **13 млрд** долларга етган. Ушбу экспорт тушумларнинг **7,1 млрд** доллари ёки **55 фоизи** ички валюта бозорида сотилди (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (5,8 млрд доллар) 22 фоизга кўп*).

Шунингдек, ушбу даврда ички валюта бозорга **6,3 млрд** долларлик валюта маблағлари банклар томонидан **хорижий кредитлар** ҳисобидан сотилди (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (3,9 млрд доллар) 61 фоизга кўп*).

Импортни молиялаштиришда ички бозордан сотиб олинган валюта улуши бироз камайиб, ўз маблағлари улушида бироз ошиш кузатилди. Ўтган январь-сентябрь ойларида импортни молиялаштириш манбалари таркибида ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши **64,7 фоизни** (*2024 йилда 65,5 фоиз*), хорижий валютадаги ўз маблағлари ҳисобига импортни молиялаштириш улуши **24 фоизни ташкил этди** (*2024 йилда 23,1 фоиз*).

2024-2025 йилларнинг январь-сентябрь ойлари давомида импортни молиялаштириш манбалари, фоизда



Сотиб олинган хорижий валютанинг асосий қисми – **51 фоизи** ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, **27 фоизи** – хорижий валютадаги кредитларни сўндириш, **18 фоизи** – халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **2 фоизи** – хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва қолган **4 фоизи** – бошқа мақсадлар учун харид қилинган.


III. Жисмоний шахсларларнинг банклар билан амалга оширилган операцияларининг ижобий сальдоси ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳоли томонидан тижорат банкларига **15,2 млрд** доллар сотилиб, ушбу кўрсаткич аввалги йилнинг мос даврига нисбатан **1,3 баробарга** (2024 йилда - 11,8 млрд доллар) ошди.


Шу билан бирга, жисмоний шахслар томонидан **8,5 млрд** доллар сотиб олиниб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23 фоизга** (2024 йилда - 6,9 млрд доллар) ўсди.

Умуман олганда, жисмоний шахслар томонидан хорижий валюта таклифи ҳажми унга бўлган талаб ҳажмидан **6,7 млрд** долларга ортиқ бўлди (2024 йилнинг мос даврига нисбатан 1,4 баробар кўп).

Аҳолининг банклар билан амалга оширилган операциялари, млн. долларда



Пул ўтказмалари орқали келиб тушган валюта маблағлари ҳажми, млн. долларда



Айни пайтда, ушбу даврда аҳолининг банкларга валюта сотувининг асосий манбаи халқаро пул ўтказмалари орқали мамлакатимизга **13,9 млрд** доллари миқдорида валюта маблағлари келиб тушгани бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **24 фоизга** (2,7 млрд доллар) ва 2023 йилга нисбатан **66 фоизга** (5,5 млрд доллар) ошди.

Шунингдек, халқаро пул ўтказмалари орқали мамлакатимиздан **1,9 млрд** доллари миқдорида валюта маблағлари чиқиб кетган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 127 млн долларга камайди.

IV. Жорий йил бошидан алмашув курси 6,4 фоизга мустаҳкамланиб, кунлик тебранувчанлик даражаси икки баробарга ошди.


Январь-сентябрь ойларида миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф омиллари, умумий макроиқтисодий тенденциялар ва ташқи иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланди.

Ушбу даврда асосий савдо ҳамкорлар валюта курслари динамикасида россия рубли долларга нисбатан 27 фоизга, хитой юани – 2,5 фоизга, корея вонни – 5 фоизга **мустаҳкамланган** бўлса, қоғоқ тенгеси – 4,6 фоизга **қадрсизланди**. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг **ташқи рақобатбардошлигини** сақланиб қолишига ҳисса қўшди. Хусусан, иқтисодиётнинг умумий рақобатбардошлигини кўрсатувчи реал эффектив курси динамикасида йил бошидан буён **1,5 фоизга қадрсизланиш** кузатилиб, ташқи савдо ҳамкорларга нисбатан валюта курсида **реал мустаҳкамланиш** кузатилмади.


Шунингдек, **олтин** нархининг юқори суръатларда ўсиб, бир троя унцияси учун **2610 доллардан 3807 долларгача** ошиши ички валюта бозорига валюта тушумларини ҳам мос равишда кўпайтирди.

Умуман олганда, мамлакатимизда экспорт, хорижий кредитлар ва пул ўтказмалари каналлари орқали валюта оқимларининг сезиларли даражада ошиши, шунингдек, хорижий инвестициялар ҳажмининг ўсуви динамикаси ҳамда импортнинг маълум даражада барқарорлашиши ички валюта бозорида валюта курси мустаҳкамланишига таъсир этган омиллардан бўлди.

Алмашув курси динамикаси, сўм/доллар



Алмашув курси тебранувчанлиги, кунлик




Шу билан бирга, жорий йилнинг апрель ойидан бошлаб сўм алмашув курсининг **кунлик тебраниши икки баробарга ошди** ва мослашувчан валюта курси сиёсатини юритаётган ривожланаётган давлатлар алмашув курсларининг кунлик тебранишларининг **ўртача кўрсаткичига яқинлашди**.

Аҳоли инфляцион кутилмалар омиллари, респондентлар улуши

Омиллар	2024					2025				
	окт	ноя	дек	янв	фев	мар	апр	май	июн	июл
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	47	51	56	57	63	59	59	57	50	51
Ёқилғи ва энергия нархининг қимматлашиши	46	51	57	50	52	48	47	49	45	45
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	31	28	28	22	23	20	18	22	35	34
Транспорт харажатларининг ошиши	26	30	35	30	31	28	29	32	30	27
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	24	26	26	26	28	28	26	25	22	24
Валюта курсининг ўзгариши	51	51	55	46	41	39	38	37	27	30
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	28	31	33	25	32	26	26	26	24	24

Алмашув курси тебранувчанлиги, фоизда



*Сўм курсининг кунлик ўзгаришлари орқали ҳисобланган йиллик ўртача тебраниши мослашувчан валюта курси сиёсатини юритаётган ривожланаётган давлатлар алмашув курсларининг йиллик ўртача тебраниш кўрсаткичига яқинлашган.

V. Алмашув курсининг мустаҳкамланиши натижасида иқтисодиётимизда миллий валютага бўлган ишонч ошиши билан боғлиқ бир қатор ижобий макротенденциялар кузатилмоқда.

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида:

миллий валютадаги ҳисоб-китоблар ҳамда жамғаришнинг фаоллаши ҳисобига банк тизимидаги **миллий валютадаги депозитлар ҳажми йил бошидан 23 фоизга ошди** ва **205 трлн сўмга етди**;

аҳоли ва тадбиркорларнинг инфляцион кутилмалари **12 фоизгача** секинлашди (*йил бошида 14-15 фоиз*) ҳамда кутилмалар шаклланишида валюта **курси омили икки баробарга қисқарди**;

депозит ва кредитларнинг долларлашув даражаси пасайиш динамикаси тезлашди (*кредитлар бўйича 41 фоиздан 37 фоизгача, депозитлар бўйича 26 фоиздан 23 фоизгача*);

мижозларнинг банкларга жами валюта сотуви **33 фоизга** ошиб, **32 млрд долларга** етди.

Ушбу тенденцияларнинг давом этиши миллий валютага бўлган ишончни кучайтириб, сўмдаги активлар жозибадорлигини ошишига ва умуман олганда макроиқтисодий барқарорликка ижобий ҳисса қўшади.